

Ўз-ўзини баҳолаш



17:11 / 20.09.2024 1854

Болакай дўконга кириб, четда турган сандиқни у ердаги телефон хонасига олиб кирди ва устига чиқиб, қўнғироқ қила бошлади. Дўкон эгаси болакайнинг ҳаракатига назар солиб, унинг телефон сўзлашувига қулоқ солди. Болакай: «Хоним, боғингиздаги ўтларни ўриб бераман, сизда иш борми?» деди. Аёл: «Бизда буни бажараётган киши бор» деди.

Болакай: «**Мен бу ишни ўша одам оладиган пулнинг ярмига қилиб бераман**» деди. Аёл ўша одамнинг меҳнатига рози эканини, уни алмаштириш нияти йўқлигини айтди.

Болакай аёлга ялина бошлади: «**Йўлакларни ва уйингиз олдидаги саҳнани ҳам тозалаб бераман. Боғингиз Флоридадаги энг чиройли боққа айланади**» деди.

Аёл бу сафар ҳам кўнмади.

Бола табассум қилиб телефон гўшагини қўйди. Бу телефон сўзлашувини тинглаб турган дўкон эгаси болага «Сизнинг юксак ҳимматингиз мени ҳайратга солди. Сиздаги бу ижобий хислатни ҳурмат қиламан. Менинг қўлимда шу дўконда ишлаш имконини таклиф этаман» деди. Кичик ёшдаги бола: «Йўқ, аммо таклиф учун раҳмат. Мен айна пайтда бажараётган ишимни қанчалик сифатли қилаётганимни билмоқчи эдим. Чунки мен боя телефонда сўзлашган аёлнинг хонадонида меҳнат қиламан» деди.

Биз доим ўзимизнинг қийматимизни ўрганиб, шундай баҳолаб боришимиз керак.

«Вазиятларни бошқариш санъати» китобидан

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хулосаси асосида тайёрланди.